

Табий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилини
ШАРТНОМАСИ

2022 йил 21 июль 1 -сон (шартнома узилган жой) Буюртма № 5

Низом асосида фаолият юритувчи Буюртма № 5 (Истеъмолчи номи)
Махкаматова Тобчиёв Шайхон

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари Даточев Д
бир
томондан ҳамда Низом ва 2022 йил "21" июль да берилган 1 -сонли
ишончнома асосида фаолият юритувчи "А.А.А. Газ таъминоти"
С.С.С. К.С.С. (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб
(газ таъминоти ташкилоти номи) (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб
аталади), раҳбари Духомалов Р иккинчи томондан, куйидагилар
тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертифицикатга эга газ қурilmалари, шунингдек, электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Табий газдан фойдаланиш қоидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатиладиган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол қилиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йилда 123 878 куб.м, нархи 81 294 80 минг сўмни ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлар бўйича куйидагича тақсимланади:

I чорак 123878 мингкуб.м, январь 43000 февраль 40000 март 40878
II чорак _____ мингкуб.м, апрель _____, май _____, июнь _____
III чорак _____ минг куб.м, июль _____, август _____
IV чорак _____ мингкуб.м, октябрь _____, ноябрь _____, декабрь _____

